

## **VI. КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК (БИЗНЕС)**

2020 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган жами кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг сони 16719 тани ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2373 тага кўпайган.

2020 йил январь-июнда ялпи ҳудудий маҳсулотнинг 49,4 фоизи (2019 йил январь-июнда 48,8 фоиз) кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилди.

- саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 1516,2 млрд.сўмни (жами саноат ишлаб чиқаришининг 22,4 фоизи) ташкил этди; (саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2459 тани ташкил этди)

- 2797,2 млрд.сўмлик қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларининг ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) ташкил қилиб, (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликлари ялпи маҳсулотининг 96,6 фоизи) ташкил қилди (қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2391 тани ташкил этди);

- 1689,3 млрд.сўмлик инвестициялар (умумий инвестициялар ҳажмининг 47,2 фоизи) ўзлаштирилди ва 2019 йилнинг январь-июнга нисбатан 70,8 фоизни ташкил этди;

- 1806,6 млрд. сўмлик қурилиш ишлари (қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 93,6 фоизи) бажарилди ва 2019 йилнинг январь-июнга нисбатан 3,7 фоизга кўпайди, (қурилиш соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 2223 тани ташкил этди);

- автомобиль транспорти юк айланмасининг 8,5 фоизга (республика жами автомобиль транспорти юк айланмасининг 90,4 фоизи), йўловчи айланмасининг эса 1,4 фоизга (умумий йўловчи айланмасининг 90,2 фоизи) кўпайиши таъминланди, (транспорт соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 836 тани ташкил этди);


- чакана товар айланмаси умумий ҳажмининг 90,1 фоизи ёки 2975,7 млрд. сўми (ўсиш 0,5 фоиз) ва хизматлар умумий ҳажмининг мос равишда 51,9 фоизи ёки 1493,6 млрд. сўми (ўсиш 8,1 фоиз) шакллантирилди, (савдо соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектлари сони 4643 тани ҳамда хизматлар соҳасида 1180 тани ташкил этди);

- 31,6 млн. АҚШ доллари (умумий экспорт ҳажмининг 18,3 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) экспорт қилинди, 55,3 млн. АҚШ доллари (умумий импорт ҳажмининг 66,2 фоизи) миқдорида маҳсулотлар (товар ва хизматлар) импорт қилинди, (ҳисобот даврида 158 та кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан экспорт ҳамда 266 таси томонидан импорт операциялари амалга оширилди).

**2020 йилнинг январь-июнь ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши**

	<i>Кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажми, млрд.сўм</i>	<i>кичик тадбиркорлик субъектлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмидаги улуши, % ҳисобида</i>
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2797,2	96,6
Саноат	1516,2	22,4
Курилиш	1806,6	93,6
Чакана савдо	2975,7	90,1
Юк ташиш, млн тн.	11,2	86,1
Йўловчи ташиш, млн.киши	59,3	95,1
Экспорт, млн. АҚШ долл.	31,6	18,3
Импорт, млн. АҚШ долл.	55,3	66,2


**Ялпи ҳудудий маҳсулот ва иқтисодиёт тармоқлари маҳсулоти (ишлар, хизматлар) умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) улушининг ўзгариши (умумий ҳажмга нисбатан фойз ҳисобида)**




2020 йил январь-июнь ойларида 1887 та кичик корхона ва микрофирмалар (дехқон ва фермер хўжаликларидан ташқари) давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан (2306 та) 81,8 фоизни ташкил этди.

Энг кўп кичик корхона ва микрофирмалар савдо тармоғида (барча рўйхатдан ўтганларнинг савдо (32,6 %), саноат (17,8 %), қурилиш (8,5 %), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (23,5 %), яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (4,5 %) ҳамда ташиш ва сақлаш (2,3 %) ва ахборот ва алоқа (1,6 %) иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатдан ўтган.

**2020 йилнинг январь-июнь ойларида янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича улуши  
(дехқон ва фермер хўжаликларисиз, жамига нисбатан фоиз ҳисобида)**




**2020 йилнинг январь-июнь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми**




■ хажм, млрд. сўм

**2020 йилнинг январь-июнь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да чакана товар айланмаси ҳажми ва ўсиш суръатлари**



Кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари томонидан чакана товар айланмаси ҳажмида Нукус шахри (739,2 млрд. сўм), Хужайли (314,9 млрд. сўм) ва Беруний (310,5 млрд. сўм) туманлари етакчилик қилмоқда.

### **2020 йилнинг январь-июнь ойларида шаҳар ва туманлар бўйича кичик тадбиркорлик (бизнес) да хизмат кўрсатиш ҳажми ва ўсиш суръатлари**




2020 йилнинг январь-июнь ойларида республика ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажмида кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектларининг улуши 49,4 фоизни ташкил қилиб, 2019 йилнинг мос даврига (48,8) нисбатан 0,6 фоизга купайди.

Саноат ишлаб чиқариш соҳасининг юқори улуши Мўйнок Шуманай ва Элликкалья (жами ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан улуши (100,0%), Беруний (82,9 %), ва энг паст улишли Нукус шахри (8,5 %) туманларига тўғри келади.

Хизматлар соҳасида туман бўйича жами хизмат кўрсатиш ҳажмида кичик тадбиркорликнинг юқори улушлари Қораўзак (жами хизматлар ҳажмига нисбатан улуши 97,7 %), Taxтақўпир (97,4 %), Қонликўл (97,1 %), Шуманай (96,9 %), Беруний (96,3 %), Нукус тумани (96,7 %), Кегейли (96,8 %) ва Тўрткўл (96,2 %) туманларига тўғри келди.


### **2020 йилнинг II чорак учун иқтисодий вазиятни баҳолаш, фоиз ҳисобида**



Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастурига асосан 2020 йил II чорак якунларига кўра иқтисодий фаолият турлари бўйича янгидан ташкил этилган микрофирма ва кичик корхоналарда танланма кузатувлар ўтказилди.

Кузатув маълумотлари таҳлили, респондентларнинг 38,7 фоизи иқтисодий вазиятни қулай, 45,2 фоизи қониқарли ва 16,1 фоизи қониқарсиз деб баҳолаши кузатилди.

## Иқтисодий вазиятдаги ўзгаришлар истиқболини яқин уч ойда баҳоланиши



Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмаларга бизнес мухитини яхшилаш учун кўрилаётган чора тадбирлар натижасида респондентлар яқин истиқболда умумий иқтисодий вазиятнинг яхшиланишини ижобий баҳоланаётганлигини хулоса қилиш мумкин.